

ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)

ОИД ШАРТНОМА № 09П-2022

Самарканд шаҳри

21.10.2022 йил

“Гидравлика Универсал” МЧЖ кейинги уринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Узининг устави асосида иш юритувчи директори Ш.Мардонов номидан, бир томондан ва Ок-Корадаре ирригация тизими бошқармаси, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи О.Райимов номидан, иккинчи томонидан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га Ок-Корадаре ирригация тизими бошқармасининг ҳаражатлар сметасида ажратилган “Самарқанд вилояти Иштихон тумани -даги каналларни жорий таъмирлаш ва тозалаш” иш ларини лойиҳалаштириш, (кейинги уринларда-«Хизматлар» деб юритилади) хизмат курсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

№	Товар иш хизмат номи	Улчов Бирлиги	Сони	Бир бирлик иш (хизмат) нархи	НДС 15%	Баҳоси
1	“Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги каналларни жорий таъмирлаш ва тозалаш” ишларини лойиҳалаштириш	услуга	1	34 695 652	5 204 348	39 900 000
	Жами					39 900 000

1.1. «Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни курсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркиби қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

«Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт ҳаражатларини қоплашни талаб қилиш;

«Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бераладиган курсатилишини буюртмага мувофиқ тегишли сифатга эга булган хизматлар курсатилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга булмаган «хизматлар» курсатилган тақдирда уз танлашига қура:

-зарур сифатга эга булмаган «Хизматлар» шунга ухшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

-«Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» еҳуд учинчи шахслар томонидан тугриланиши ҳаражатларини қоплашни;

-баҳосининг мутаносиб тарзда қамайрилишини талаб қилиш;

Шартнома шартларини бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланиши «бажарувчи»дан талаб қилиш ва йигирма икки иш қунидан кечикган ҳар бир қуни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан туланиш

«Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1 «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида «бажарувчи» билан шартнома тузиш;

Уз буюртманомаси буйича курсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида курсатилган нарх буйича, қабул қилиш

-топшириш далолатномаси имзолаган пайтдан бошлаб, газначилик булими руйхатидан утказгандан сунг 15 қун мобайнида ҳақ тулаш.

2.3. «Бажарувчи» куйидаги хукукларига эга:

2.3.1. Курсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб килинишини «буюртмачи» дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ курсатилган «Хизматлар»ни қабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «буюртмачи»дан талаб килиш;

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Газначилик бошқармасида руйхатдан утказилгандан сунг «Хизматлар»ни курсатиш:

2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»томонидан мазкур шартноманинг 4.8.-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда курсатиш;

2.4.3. Агар «Хизматлар»ни курсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул куйган булса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 1 йил муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Бажарувчи томонидан 30% олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «хизматлар»ни 20 иш кун давомида тулик бажариб бериш ва йигирма икки иш кунидан кечикган ҳар бир куни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан копланиш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 39 900 000 (ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз минг) сумни ташкил этади. Бажарилган хизматлар учун олдиндан тулов 30 % ташкил қилади. Қолган 70 % ни «Хизматлар» курсатилгандан сунг утказиб берилади. Курсатилган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага илова курсатилган.

3.2. Курсатилган «Хизматлар» учун пул қучириш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар»қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик булинмаларининг штампида курсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тулаш буйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда курсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир ноида «Хизматлар» курсатилиши Ушбу ассортиментга қирувчи бошқа номдаги курсатилмаган «Хизматлар» урнини тулдириш сифатида қаралмайди ва курсатилмаган «Хизматлар»нинг урни тулдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича курсатиладиган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Курсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада курсатилган «Хизматлар» микдори, уларнинг сифати курсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» курсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «буюртмачи»нинг буюртномаси курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафттарини юритилади.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртномани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини курсатиш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртномада курсатилган сана бошланишидан қаида 1-кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Курсатилаётган «Хизматлар» сифат, микдори «Бажарувчи» томонида нотугри аниқланишини,

уларнинг киймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланган тақдирда «бажарувчи» курсатилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган Ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотугри ҳисоб-китобкилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.2. Агар курсатилган «хизматлар» нинг сифати ассортиментини навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарига (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада булмаган «хизматлар» кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.3. «Хизматлар» курсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «бажарувчи»га белгиланган устамалардан ташқари курсатилиши керак булган «Хизматлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тулайми. Жаримадан ташқари «Бажарувчи» «Буюртмачи» га «Хизматлар» курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси курсатилмаган «хизматлар» кийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томони шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Курсатилган «Хизматлар» учун уз вақтида туланмаганда «Буюртмачи» «бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 5 фоизидан ортиқ булмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи» нинг жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) «буюртмачи» томонидан контрактция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари

бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам куриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактция шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижада етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

5.9. Бажарилган (таъмирланган) ишдан чикган ишлатилиб эскирган (қуйган) рангли металллар белгиланган тартибда бажарувчи томонидан буюртмачи томонга қайтарилди.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Қелишмовчиликлар ва низоли массалалар қелиб қиккан тақдирда, томонлар, қоидага қура, мустикал равишда уларни судгача хал этиш чораларини қурадилар,

6.2. Томонлар қелишмовчиликлар ва назоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

7.1. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугаланган тақдирда тухтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро кеклишувга асосан еки Ўзбекистон республикаси Фуқаролик қонунчилигига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари биноан қелтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3. 39 900 000 (ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз минг) сумлик, №09П-2022 сонли шартнома 21.10.2022-йилда 2 нусхада тузилган бўлиб тузулган вақтдан бошлаб 31.12.2022 йилгача амал қилади. Самарқанд вилояти бўйича газначилик бошқармасидан тартибда руйхатдан утказилганда қонуний қучга қиради.

8.ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларининг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларининг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.3. Мазкур шартнома томонларининг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.
- 8.4. Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (қушимчалар) руйхатдан утқазилгандан кейин бажарилиши керак.

9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи:

“ГИДРАВЛИКА УНИВЕРСАЛ” МЧЖ
Самарқанд вилояти Нарпай тумани Дедан МФЙ
Р/с: 20208000500251218001
Банк реквизитлари: АТ Турон банк Самарқанд вилоят филиали
МФО 00282
ИНН: 302685752

Директор  И. Маралов



Дурузиқулос
Дурузиқулос

Буюртмачи:

Ок-Корадаре ирригация тизими бошқармаси Самарқанд вилояти, Окдарё т. Лойиш шаҳри А.Темур кўчаси 1 уй
Л/с: 100021860182037042402170001
Банк реквизитлари: Марказий Банк ХККМ Тошкент шаҳри
МФО: 00014
ИНН: 204691099

Бошқарма бошлиғи  О. Райимов



[Handwritten signature]